



ИШОНСН


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 май, жума №71 (903)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВЛАДИМИР ПУТИН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

18 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий таъриф билан Ўзбекистонга келди. Бу унинг Президент лавозимини расман эгаллаганидан кейинги биринчи хорижий сафаридир. В.Путин Россия Бош вазири лавозимида ишлаб юрган кезларида, аниқроғи, ўтган йилнинг декабр ойида ҳам Ўзбекистонга келган ва ўша таъриф асносида икки томонлама муносабатларда улкан буриллишлар ясашга қаратилган ҳужжатлар имзоланган эди. Сўнгги вақтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар изчиллашиб бораётгани кайд этилмоқда. Бу икки мамлакат ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини яхши англашни, алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш бир хилда кучли эканлигини кўрсатади. Қузатувчиларнинг фикрича, В.Путиннинг юртимизга буюрган бу гапги, Президент сифатидаги таърифи муносабатларимизни янги



поғонага кўтаришга қаратилган яна бир залворли қадам бўлади. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини мамлакатимиз раҳбари Исрол Каримов рафиқаси билан қарши олди. Икки давлат Президентлари ўтирган машиналар

қарвони пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига йўл олди. Россия раҳбари Ватан учун жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойга анвоий гуллар қўйди. «Дўрмон» қароргоҳида Россия Президентини рас-

мий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Россия Президентлари шохсулага кўтаришди. Икки давлат мадҳиялари ангради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди. Шундан сўнг икки давлат

раҳбарларининг яккама-якка мулоқоти бўлиб ўтди. 19 май куни Ўзбекистон ва Россия Президентларининг мулоқоти давом этди ҳамда икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Учрашуларда икки томонлама савдо-иқтисодий ало-

қаларни янада кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, ҳавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ

Ҳар икки мамлакатга катта наф келтираяпти

Ўзбекистонга хориж сармоясини кириштириш бугунги кунда республикамиз ҳукумати, хусусан, Президентимиз катта эътибор билан қараётган, бунинг учун барча имкониятларни яратиб бераётган долзарб масалалардан биридир. Ана шу харақатлар натижасида республикамизда қўллаб-қўллаб чет мамлакатлар тадбиркорлари билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар ишга туширилиб, улар ҳар икки давлатга катта фойда келтирмоқда.

Биргина Жиззах вилоятини мисол келтирдиган бўлсак, табиати гўзал катта ҳудудга, бой хомашё ресурсларига эга бўлган бу гушада ўнлаб чет мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вилоят билан иқтисодий алоқаларни кенгайтираётган давлатлар ичида Россия Федерацияси муҳим ўрин тутди. Айти пайта Мирзачўл туманида тракторлар двигателларини таъмирлаш ишлари билан шуғullanувчи «ММЗ», Жиззах шаҳрида қимматли қоғоз ва декларациялар тайёрловчи «Декларант-Сервис», шу ернинг ўзида дизель асбоблари эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи «Санзар-Сура» қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жаззахлик ишбилармонлар россияликлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришнинг турли йўллари қидирмоқдалар. Жумладан, «ММЗ» қўшма корхонаси ишбилармонлари Россиянинг Владимир трактор заводи билан алоқа ўрнатиб, республикамиз қишлоқ хўжалигида энг кўп ишлатиладиган МТЗ-80 тракторлари двигателлари ишлаб чиқаришни режалаштирганлар. Жиззах шаҳридаги «Жиззахшакер» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси эса бу йилги лавлаги ҳосилидан ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, бу йил Жиззах шаҳрида Тверь вилояти билан ҳамкорликда пахтадан ип ишлаб чиқарувчи «ЗАО «Вишневолодский текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Агар бу қўшма корхона ишга туширилса, биринчи навбатда 4500 тонна, иккинчисида эса 900 тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу ҳар иккала республикада тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш имконини беради, албатта.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Маржонбулоқ тикув-тўқув фабрикаси ҳамда «Галлаоролконсерва» очик турдаги хиссадорлик ҳамияти ҳам россияликлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидалар. Вилоятда, мавжуд ҳам ашё захиралари келажакда цемент, оқ, қора ва кизгиш рангли мармар, воластонит, базальт ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятини беради.

Бу ишларнинг ҳаммаси хорижликларнинг Республикамызга ишончи ортиб бораётганлигидан далолатдир. Бу ишонч замирида юртимиздаги тинчлик, осойишталик, республикамиз аҳолисининг меҳнатга, яхши яшашга бўлган иштиёқи, бой табиий ресурсларимиз этибди.

Муборак МИРКАМолова, «Ишонч» муҳбири.

ДЎСТУ ҚАДРОНМИЗ

Ўзбекистон ва Россия азал-азалдан бир-бирига ҳамкор. Истиклол йилларида дўстлик ришталари янгича кўлам касб этди. Ташкилоти алоқаларга кенг йўл очиб берилганлиги боис тадбиркорлар эркин фаолият кўрсата бошладилар. «Спектр» — «Ўзбекистон-Россия» қўшма корхонаси бундан роппароса 8 йил муқаддам, мустақилликнинг дастлабки йилларида иш бошлади. Асосий мақсад нефть саноатида кенг қўлланиладиган кабелларни ишлаб чиқаришга қаратилган. Корхонада зарур хом ашё етарли. Ишчи-хизматчилар эса катта меҳнат тажрибасига эга. Шу боис юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётиб. Биргина ўтган йилнинг ўзида 300 километрик кабел ишлаб чиқарилиб

буортмага асосан Фарбий Сибирга юборилди. Айти пайта корхонамизда 150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаёпти. Касаба уюшма ташкилоти томонидан уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Байрамларда муқофот пуллари жорий этилаяпти. Илгирлар ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти.

Корхонамиз жамоасининг асосий мақсади икки дўст мамлакат — Ўзбекистон ва Россия халқларининг фаровон турмуши учун фидокорана меҳнат қилишга қаратилган.

Т. КУРГАНОВА, «Спектр» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

Наманган шаҳрининг қоқ марказида жойлашган «Томск» дўкони харидорлар билан гавжум. Ҳўш, бунинг сабаби нимада?

— Биз бундан уч йил илгари, 1997 йилда Россиянинг Томск шаҳридаги «Полимерснабсб» хиссадорлик ҳамияти билан ҳамкорлик ришталарини боғлаган эдик, - дейди вилоятдаги «Сиб-Нам» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг раҳбари Аюбхон Маҳмудов. — Маълумки, Россия пойфазал ишлаб чиқаришда дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Қолаверса,

ЛИЦЕЙ БИЛИМДОНЛАРИ ГОЛИБ

Нурота касб-хунар лицейида «Соғлом авлод» дастурини бажариш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, байрам тортиқлари, ногирон талабаларни қўллаб-қувватлаш учун яхшигина маблағ сарфланди. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Лицей талабаларни ижтимоий ҳимоялаш лицейи касаба уюшма кўмитаси эътиборида турибди. Шу йилнинг ўзида икки нафар талаба кузатувчи ўқитувчи ҳамроҳлигида «Косонсой» санаториясида дам олди. Оилавий шароити ночор ўқувчиларнинг 7 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. 2 нафар мусобақа голиблари рағбатлантирилди. Шунинг фахр билан қайди қилиш керакки, ўқувчиларимиз касб-хунар лицейлари ўртасида автомобил бошқариш ва унга техник хизмат кўрсатиш кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб деб топилди, Каттақўрғон шаҳрида бўладиган республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ваҳоб КЕНЖАЕВ, лицей ўқувчилар касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси.

«ТОМСК» ДЎКОНИ ҲАМИША ГАВЖУМ

лотлар ишлаб чиқарилади. Калиш, спорт оёқ кийимлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари корхонада савдо тармоқларидан, ташкилотлардан келиб тушган буюртмалар асосида маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу боис амалдаги йилнинг биринчи чорагида вилоятимиз аҳолисига 22 миллион сўмлик пойфазал етказиб беришга эришилди. Бу кўрсаткич ўтган

йилнинг шу давридаги нисбатан анча кўндир. Уз навбатида россиялик ҳамкорларга оёқ кийим ишлаб чиқариш учун асқотадиган хом ашё ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш чоратадбирлари кўрилмоқда. Масалан, пойфазал саноатида энг зарур ҳисобланган пахтадан тайёрланган трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш йўлга қўйилган.

Хуллас, бу ҳамкорликда ҳар икки томон манфаат кўрмоқда. Россиялик шерикларимиз ишлаб чиқаришни ривожлантиришга Ўзбекистон тўқимачилик саноати маҳсулотидан кенг фойдаланаётган бўлсалар, биз уларнинг хом ашёси ёрдамида ҳамкимизнинг пойфазал маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга эришаётимиз. Ж. ОБИДОВ.

«Осиё-Инвест Банк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг йиллик йиғилиши ўтказилди. Мазкур банк 1996 йилда Москвада очилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки, «Асака» банк, Чкалов номидаги Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий кон металлургия комбинатлари унинг акциядорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон - Россия банкининг Москвада муваффақиятли фаолият кўрсатиши, ҳуқуқматларро шартномалар доирасида мазкур мамлакатлар ўртасида уни барпо этиш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг оқилона бўлганлигини яна бир тасдиқлади. Икки мамлакат ўртасида экспорт-импорт амалиётларини бажариш учун ишончи молиявий тузилма шакллантирилди.

БАНКНИНГ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Йиғилишида «Осиё-Инвест Банк» 1999 йилда Ўзбекистон-Россия савдо айланмасига хизмат кўрсатиш юзасидан ўз доирасини ва фаолият миқдорларини сезиларли равишда кенгайтиргани, Россия банк тизимида ўз маъқени мустаҳкамлагани қайд этилди. Хусусан, кредитлаштириш ва қароғлали мажбуриятлар бўйича амалиётлар ҳамкимизнинг асосий саноатида кенг қўлланиладиган кабелларни ишлаб чиқаришга қаратилган. Корхонада зарур хом ашё етарли. Ишчи-хизматчилар эса катта меҳнат тажрибасига эга. Шу боис юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётиб. Биргина ўтган йилнинг ўзида 300 километрик кабел ишлаб чиқарилиб

10 миллиард рубдан кўпрокни ташкил этди. Банк активлари 3 баравар ошди ва 466,2 миллион рублни ташкил этди. Йил якунилари бўйича 12,5 миллион рубл фойда олинди. Россияда «Компания» ишбилармонлар журналида босилган маълумотларга

кўра, «Осиё-Инвест Банк» Россиядаги 200 та йирик банклар қаторига киритилган ва рейтинг бўйича 149 уринини эгаллайди. Ишончлик индекси бўйича у 17-уринида, ликвидлик салоҳиятига кўра 7-уринида турибди. «Осиё-Инвест Банк»нинг Ўзбекистон-Россия савдо иқтисодий ҳамкорлиги тараққиётидаги маъқенини ҳисобга олиб, акциядорлик банк сармоясини 2 миллион АҚШ доллар миқдорига кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилишди.

САЙЁХ ЮРТ КЕЗАДИ

Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Алишер Навоий номидаги ўзбек миллий маданият маркази вице-президенти, шоир ва журналист Зиёиддин Мамжонов от-аравада Париж сари йўл олди. Унга ўгли Зиёлиддин ва чавандоз Аскаржон Сотболдиев ҳамроҳлик қилмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон байроқлари хилпараб турган бежирим от-аравада йўлга чиққан сайёхлар илк сафарини Фарғонадан бошлади.

— Урта Осиё мамлакатларидан кейин Россия ва Белоруссияга ўтамиз, - дейди З.Мамжонов. - Бу юртарда машҳур қатагон ва уруш йилларида ҳалок бўлган ватандошларимизнинг дафн қилинган жойларда, Польша ва Германияда бўламиз. Ниятимиз - Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллик байрамини Франция пойтахти Парижда нишонлаш.

СУРХОН БОЙЛИГИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг тўққизинчи йилида 1000 тонналик «кумуш тола» хирмони уюш мақсадида барақали меҳнат қилаётган сурхондарёлик пиллакорлар дастлабки қимматбахо саноат хом ашёсини тарозига қўйди. Термиз, Ангор ва Жарқўрғон тумани пиллакорлари бу ишни биринчи бўлиб бошлаб беришди. Этиштирилган ҳосил чўғи қўзланган режанинг албатта бажарилишидан далолат бермоқда. Ҳар кути ипак куртидан ўртача 55-60 килограмдан пилла териб олинмоқда. (ЎЗА).

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

Мамлакатнинг чекка ҳудудлари аҳолисига маалаки тиббий хизмат ва хайрия ёрдами кўрсатиш «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш воситаларидан бири ҳисобланади. «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси бу ишда фаол иштирок этмоқда. Жамғарма «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда яна

бир тадбирни амалга оширди. Пойтахтнинг шимолий вокзалидан Қашқадарё вилотидаги «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тиббий-санитария хизматининг замонавий диагностика усдуқоналари билан жиҳозланган махсус вагонлари уланган поезд йўлга чиқди. Поезда пойтахтнинг етакчи клиникаларининг 38 нафар шифокордан иборат жамоаси мамлакатимиз жаунабга жўнаб кетди. Улар орасида педиатрлар, терапевтлар, акушер-гинекологлар, невропатологлар бор.

Қаршида бригаданинг бир қисми гуруҳларга бўлиниб, вилотидаги барча туманларга аҳолига тиббий маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун тарқалади, қолганлари эса Қашқадарё туманига йўл олади. Қашқадарё шаҳрида аҳолини, биринчи навбатда аёллар, ногиронларни кўриқдан ўтказиш ва даволаш учун вақтинчалик клиника очилди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг мутахассис шифокорлари ҳам шу мақсадда яқин аҳоли пунктларига йўл олишадди. Зарурат бўлганда

беморлар Қарши ва Тошкент шаҳарларидаги ихтисослашган даволаш муассасаларига юборилади. Ҳафта мобайнида 15 миң кишини тиббий кўриқдан ўтказиш мўлжалланмоқда. Поезд Қашқадарё вилотида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг 18 миллион сўмлик хайрия ёрдами ҳам етказиб беради. Дори-дармолар, витаминлар, болалар овқати, кийим-кечак, санитария ва гигиена буюмларидан иборат хайрия ёрдами куп болали, кам таъминланган оилалар ўртасида тақсимланади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Таиландда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Турнирда 20 мамлакат спортчилари Сиднейда бўлиб ўтади. Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун қизгин кураш олиб борди. Ўзбекистонлик енгил атлетикачилар Екатерина Кремлёва, Наталья Сенькина, Ирина Воробёва ва Елена Пискунова 4x400 метр масофага югуриш бўйича нормативларни бажариб, мусобақа голиби бўлишди. Енгил атлетика халқаро Федерациясининг қоида-

ларида кўра мамлакатимизнинг беш нафар енгил атлетикачи қизлари Олимпияда йўлланмасини қўлга киритди. Шундай қилиб, енгил атлетикачилар бугунги кунда мамлакатимиз спортчилари орасида энг кўп йўлланмаларни қўлга киритган жамоадир. Уларнинг сони - 17 та. Олдинда яна бешта саралаш турнири бор. Бу турнирларда ҳам енгил атлетикачиларимиз муваффақиятли иштирок этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. (ЎЗА).



22 - 28 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 11.40 Болалар учун. «Кўзмончок»... 12.05 «Мазнавият» дастури...

ЯҚШАНБА, 28

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур...

СЕШАНБА, 23

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...

ЧОРШАНБА, 24

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...

ПАЙШАНБА, 25

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...

ЖУМА, 26

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...

ШАНБА, 27

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...

ЯҚШАНБА, 28

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 Марказий газеталар шарҳи...



Ангрен шаҳар 20-иктисослашлаган мактаб-интернат ташкил топганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Икки йўналишда — аниқ ва ижтимоий фанлар бўйича таълим берилётган илм масканида ўқиш истагани билдираётганлар йил сайин ортиб бормоқда.

Суратда: олий тоифали ўқитувчи Толибжон Мутавалиев шогирдлари даврасида.

Д.АХМАД олган сурат.

Миш-миш тарқатувчилар ҳам бор бўлсин. Эмишки, Қўшработ тумани марказидаги 48-мактаб биноси қулаш даражасига етган, энди шу яқиндаги «Қалдиғоч» болалар боғчасини мактабга бўшатиб беришармиш...

Эринмаган одамлар-ей, миш-мишларга ишончи қанча-қанча текширувчилар келиб кетмади. Теле-

юртмачи, туман кўча механизациялашган жамланмаси иш бажарувчи бўлиб, 1993 йилда лойиҳадаги мактаб-шақса сабаблар билан қурилиш вақтинча тўхташи ҳам бир бўлди-ю, лойиҳадаги мактаб учун ажратилган жойнинг участкаларга қонунсиз равишда бериб юборилиши ҳам бир бўлди. Мудирга ҳам қўйин экан. Туман марказидаги замонавий 720 ўринли 82-мактаб-

ди Товбой Суяров қатъий. — Унда боғча ва ундаги болалар нима бўлади? — Яқин икки боғчага бўлиб берилади. Шу ис ҳам боғчада тарбияланувчилар сони камайиб кетган...

ҲОМТАЛАШ

ёки қурилиши бошланиб, кейин ном-нишонсиз йўқолган мактаб ҳақида катталар учун эртак

студиядан келганлар ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Барака тоғурлар мактабни айланиб-ўргилиб тасвирга олишди денг. Ҳеч нарса ўзгармади шундаям. Қизик, йигирма-ўттиз йилдан бери 485 ўқувчи, 48 нафар ўқитувчи-хизматчи бинога бинойда қириб-чиқиб турган бўлса, яна нима керак сизларга. Э, деворлари захлаб, нураб, ёрилиб кетган дейсизми? Шуванг, гулшубоқ қилинг. Шунгаюта ота-бурчи қозихонами?! Мабодо, кулаб тушсами? Ҳмм... Бу саво-лигини менга эмас, сиздан беш юз-олти юз метр чамаси наридаги қошонада ўтирган туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлимидаги мутасадди-ларга берингда, ака.

«Мансур Қўшбоев туман ҳоким бўлиб келди-ю, иш чаппасига айланиб кетди, деб ёзишда булоқбошиликлар. - Кеча кўча механизациялашган жамланмаси бошлиғи бўлган Эшонқул Жонзоқов ҳокимнинг қурилиш бўйича муовинига айланди. Энди мактабнинг блок-плиталари «қаергадир» кўчирилди. Бу ҳали ҳолва экан. Хай-хай, бус-бутун турган не-не бинолар, масалан, 9-ўрта мактаб эски биноси бузилиб шифер ва бошқа материаллар олиб кетилгани етмаганидек, хайҳотдек майдондаги туман тайёрлов идораси бинолари ҳам бирин-кетин «гойиб» бўлди. Талон-тарож, торт-торт авж олди. Лойиҳа ўзгартирилиб мактаб қурилиши бошқа жойдан мўлжаллангандир, дерсиз».

«да бугун 920 бола ўқияпти. Парта, қаттиқ жиҳозлар етишмайди. Устига устак 16 та синф хонасидан баҳорда, қишда тинмай чакка ўтади. Мактабни қўрган виллоят ҳокимлиги вакиллари 25 миллион сўм керак экан, дейишди. Ишқилиб қишга-чи иложини топишсин-да. 81-ўрта мактаб синфларида эса маҳалла стол ва ўриндиқларидан «унумли» фойдаланилётганининг ўзидек бу ерда аҳоли нечоғлиқ ташвишли эканини кўрсатмай-дими? Мудирнинг айтишича, мактаб «Қалдиғоч» болалар боғчаси биносига кўчирилиши рост экан. 26 нафар боғча ҳодимаси имзоланган шикоят хатига эса мазкур жажжилар маскани 1986 йилда МТП (аввалги «Селхозтехника») томонидан қурилиб ишга туширилгани, 1989 йилда туман халқ таълими бўлими ҳисобига ўтказилгани, шу кунларда бу ерда меҳнатқашларнинг 80 нафардан зиёд болалари тадбиаланаётгани, уларга 33 нафар тарбиячи, энга ва бошқалар маъмурият қўриқчилари, келиб-келиб соғлом авлод йилда уни тутатиш номақу-л экани, бино мактабга эмас, боғчага - кичкинтойларга атаб қурилгани қўйиб-пишиб баён этилган. — Мослаштирамиз, дей-

Касаба уюшма спорти
«ОЛМОС»ДА - ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР
Шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» спорт клуби ўйингоҳида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари тарма командалари ўртасида **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун «Спорт маликаси»** тенгқурлар ўртасида мамлакат чемпиони деган шарафли номга эга бўлди.

«Буюк авлод» - истеъдодлар мактаби бўлади дейди чироқчилик шахмат фидойиси Абдурахмон ака
Абдурахмон ака Чироқчи туманининг «Чироқчи» футбол клубида жамоа бошлиғи бўлиб ишлайди. Спорт усталигига номзод. Бироқ шахмат унинг жону дили. Жамоа ташвишларидан ташқари «ақл гимнастикаси» билан шуғулланишга-да вақт топа олади. Отанинг шахматга бўлган қизиқиши, муҳаббати фарзандларига ҳам юққан. Беш нафар фарзанднинг барчаси шахмат ўйнайди. 9 ёшли Нодирани эса ёш, иқтидорли шахмат маликаси сифатида бугун нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Зотан, Нодира отаси мураббийлигида 3 мартаба ўз тенгқурлари ўртасида мамлакат чемпиони деган шарафли номга эга бўлди.

Дастлаб ўсмир қизлар ўртасида 100, 400, 1500 метр масофага югуриш, баландликка сакраш, ядро улоқтириш, ара-лаш шведча эстафета мусобақалари қиз-ғин ўтказилди. Кеча 100, 110 метрга тўсиқлар оша югуриш, 200, 800 метр узунликка сакраш, найза иргитиш бўйича куч синашдилар. Шуниси ачинарлики, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси спортчилари баъзи сабабларни рўқча қилиб мусобақага келмадилар.

Менимча, ҳар бир оилада шахмат бўлиши керак, дейди Абдурахмон ака. Чунки шахмат тафаккур тарзини ўстиради, фикрлаш дунёсини бойитади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани, ёш шахматчи ўғил-қизларимизни 5-6 ёшидан бошлаб тарбиялаб боришимиз даркор. Ана шунда истеъдодли шахматчиларимиз, гроссмейстерларимиз жохон майдонида юртимиз байрогини янада юксакроқ кўтардилар. Айна кунларда Абдурахмон ака эзгу бир ният билан яшамоқда. У ҳам бўлса республикамиз ёш шахматчилари - истеъдод эгаларини тарбияловчи «Буюк авлод» шахмат клубини очиб.

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ
Тошкентда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг биринчи республика спартакидаси доирасида шахмат бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада пойтахтнинг иккита жамоаси ва вилоятларнинг ўн иккита жамоаси иштирок этди.

СПОРТ ОЛАМИДА ОЛИМПИАДА МЕЗБОНИ ҚАЧОН МАЪЛУМ БЎЛАДИ?
Кейинги йилларда спорт мусобақаларига мезбон танлаш тобора мураккаблашиб бормоқда. Чунки, бундай тадбирга мезбонлик қилиш кўп жиҳатдан фойдали эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айна пайтда АҚШнинг ўзидан саккизта шаҳар 2012 йилги ёзги олимпиада ўйинларини ўтказиш истагини билдирилмоқда. Улар орасида Вашингтон, Нью-Йорк, Даллас, Сан-Франциско каби йирик шаҳарлар ҳам бор. Номзод шаҳарлар 15 декабрга қадар АҚШ миллий олимпиада қўмитасига ариза тақдим этиши лозим. Қўмита 2002 йили шаҳарлардан бирини танлайди ва Халқаро олимпиада қўмитасига АҚШ номидан номзод кўрсатади. 2012 йилги олимпиада мезбонининг номи эса 2003 йилда эълон қилинади.

Келинг, бир қулишайлик
— Бодринг неча сўм?
— Юз сўм.
— Саксон сўмга бўладими?
— Майли, ола қолинг.
— Етмиш сўм берсам-чи?
— Розиман. Фақат тезроқ!
— Балки эллик сўмга берарсан?
— Энди юз сўмга ҳам ололмайсиз. Ана, эгаси келиб қолди!

— Бодринг неча сўм?
— Беш йил.
Товуқ оғирлиги беш килоли тухум қилди. Мухбир товуқни саволга тутди.
— Бунга қандай қилиб эришдингиз?
— Бу сир.
— Келажакдаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.
— Оғирлиги етти килоли тухум қўйиш.
Мухбир хўрозни саволга тутди.
— Қойил, бунга қандай қилиб эришдингиз?
— Бу сир.
— Келажакдаги режаларингиз...
— Туяқушга уйланиш.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Оstonов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли туюқнома берилган. ИВМ компьютеризация термини ва саҳифаланди. Одсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотушда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Толдирилди 23.35